

УДК: 635.655 (575.141)

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА СОЯ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ,  
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ.**

**Насриддин Халилов**

Профессор, Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети.

**Рахмонова Хуршеда Қурбонбоевна**

Таянч докторант, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7195726>

*Аннотация.* Мақолада соянинг янги Давлат реестрига киритилган навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини Зарафшон воҳаси шароитида ўтлоқ-бўз тупроқлари шароитида ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

*Калит сўзлар:* агротехник тадбирлар, соя навлари, ҳосилдорлик, экиш схемалари, туганак бактериялар.

**РОСТ, РАЗВИТИЕ И УРОЖАЙНОСТЬ СОРТОВ СОИ В УСЛОВИЯХ  
САМАРҚАНДСКОЙ ОБЛАСТИ.**

*Аннотация.* В статье рассмотрено влияние роста сортов сои на рост, развитие и продуктивность сортов, включенных в новый Госреестр в условиях лугово-серых почв Зеравшанского оазиса.

*Ключевые слова:* агротехнические мероприятия, сорта сои, урожайность, схемы посева, эндогенные бактерии.

**GROWTH, DEVELOPMENT AND PRODUCTIVITY OF SOY VARIETIES IN  
SAMARQAND REGION.**

*Abstract.* The article considers the influence of the growth of soybean varieties on the growth, development and productivity of varieties included in the new State Register in the conditions of meadow-gray soils of the Zeravshan oasis.

*Keywords:* agrotechnical measures, soybean varieties, yield, planting schemes, endogenous bacteria.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Республикамизда деҳқончилик маданиятини юксалтириш фан техника ютуқлари ва илғор тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш эвазига экинларни ҳосилдорлигини ошириш, ҳосил сифатини яхшилаш, айниқса мамлакатимизда дон мустақиллигини таъминлаш устида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика аҳолисини озиқ-овқат, биринчи навбатда дон маҳсулотлари билан тўла таъминлаш вазифасини бажариш муҳим аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади. Мамлакатимизда соя мойли экинлар майдонларининг кенгайтирилиши ва улардан тайёрланадиган маҳсулотларнинг кўпайиши аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ҳамда чорвачиликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир қаторда ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида ўсимлик оқсиллини ишлаб чиқиш ва таъминлаш энг катта муаммолардан ҳисобланади. Албатта бу муоммани ечимини ечишда дуққакли дон экинларидан соя ўсимлигининг аҳамияти каттадир. Соя ўсимлиги

дуккакли-дон экинлари оиласига мансуб, унинг лотинча номи (*Glucine hispida*) бир йиллик ўсимликдир. Келиб чиқиш ватани Марказий Осиё ҳисобланади. Соя озиқ овқат, ем тайёрлашда ва тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Соя дони таркибида 38-52 % оқсил, 22-25 % ёғ, ёғ таркибида турли витаминлар, поҳолида эса 4-5% оқсил ва 5 % гача ёғ бўлади. Соя донида оқсилни кўплиги жиҳатидан буғдой донидан 2,5, маккажўхори донидан эса 3,5 баробар юқори туради ва соя донининг оқсили таркибида 10 дан ортиқ аминокислоталар мавжуд. Кўк массаси эса чорва молларига озиқ бўлади. Соя илдизларида барча дуккакли ўсимликларнинг илдизларидаги каби ҳаводаги азотдан фойдалана оладиган туганаклар ривожланади.

Соя ўсимлиги илдизидаги ризобиол бактериялар ҳосил қилган туганаклар туфайли ҳар гектарда 150-250 килограммгача соф азот тўплайди. Соя ёруғлик, иссиқлик ва намликни севадиган ўсимлик жуда қадимий экин ҳисобланади.

Тадқиқотимизнинг мақсади: Зарафшон воҳаси шароитида соядан энг юқори ҳосил олишни таъминлайдиган навларини танлаш, экиш меъёрлари ва ҳосилдорлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифаси: -биринчидан; сифатли соя донини етиштириш орқали республикада дон етиштиришни муаммосини ечилиши;

-иккинчидан; соя экини донида оқсил кўп бўлади ва чорвачиликни оқсилли озуқалар билан таъминлаш муаммосини амалий хал қилишга имкон беради;

-учинчидан; суғориладиган ерларда экиладиган соядан ҳосил етиштириш орқали суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

-тўртинчидан тупроқ унумдорлигини ошириш, ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш соя етиштиришда энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Албатта соя навларидан юқори ҳосил ва сифатли дон етиштириш учун агротехник тадбирларни ўз вақтида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Сояни истиқболли янги яратилган навларининг муқобил экиш муддати ва меъёрини тўғри белгилаш ҳамда улар асосида соя навларидан юқори ҳосил олиш асосий вазифа ҳисобланади.

Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги ПСУЕА ИТИнинг Самарқанд илмий-тажриба станцияси тажриба далаларида, ўтлоқи-бўз тупроқ олиб борилмоқда.

Тажрибаларда соянинг ҳар иккала навда 12 вариантда 4 қайтариқда экилди.

Сояни ўсув даври давомида тупроқдаги намлик, тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) 70% дан кам бўлмаган ҳолда ушланди.

Олиб борилаётган тадқиқотда тажриба объектлари Давлат реестрига киритилган, соянинг Сочилмас ва Олтинтож навлари экилди.

Тадқиқотлар услуби ва ўтказиш шароитлари.Соя уруғларининг экиш меъёрлари 400, 450, 500 минг туп гектарига, экиш чуқурлиги барча навлар ва вариантларда 4-5 см га тенг қилиб олинди. Экиш апрелнинг биринчи ўн кунлигида амалга оширилди. Тажрибада ўрганилган усуллардан бошқа барча технологик усуллар минтақа бўйича қабул қилинган умумий агротехника асосида ўтказилади.

Фенологик кузатувлар 10% ва 75% бўлганда, униб чиқиш, 1-2 та чинбарг ҳосил бўлиши, биринчи дуккак ҳосил қилиш, гуллаш, дукаклар пишиши; фазаларида ўтказилади.

Феналогик кузатишлар соянинг техник ва биологик пишиб етилиш даврида қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш инспекцияси методикаси бўйича ўтказилади. Кузатишлар ва биометрик ўлчовлар ҳар бир қайтариқларда модел ўсимликларда олиб борилади. Биометрик ўлчовлар барча 4 та такрорнинг ҳар бир вариантнинг 100 та ўсимликларида ўтказилади.

Нафис нави экилганда вариантларимиз яхши ўсиб ривожланди. Сочилмас нави анча шохланиб кетганлиги кузатилди.

Соя ўсимлигида 1 дона ўсимликдаги дуккаклар сони сезиларли даражада ортди биринчи вариантимизда дуккаклар сони Нафис навида 68 донадан 100 донагача, Сочилмас навида иккинчи вариантда дуккаклар 70 донадан 115 донагача бўлиши кузатилди учинчи вариантда дуккаклар сони Олтинтож навида 80 донадан 110 донагача, Сочилмас навида 130 дона кўп бўлганлиги кузатилди.

Суғориш ҳар иккала навларда ҳам чанқаб сув ичишидан ўсиши бир оз суствлашсада, эрта ҳосилга ётди. Бунинг натижасида кейинги суғоришлар Олтинтож ва Сочилмас навларида ҳам сувга бўлган талаби уйғунлашиб кетди.

Ҳосилни йиғиш ишлари экиш вақтига ва навларнинг эрта ёки кечпишарлигига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ҳосил комбайнлар дуккакларининг 90-100% пишганда йиғиб олинади. Бу пайтда ўсимликнинг барглари тўқилган, поялари эса қуриган бўлади. Дондаги намлик 13-14% бўлиши йиғим-терим учун мақбул ҳисобланади. Йиғим-теримнинг кечикиши дуккакларнинг ёрилишига ва ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Тажриба олиб бораган навларимизда ҳосилдорликни таҳлили шуни кўрсатадики, Олтинтож навида 23.2 ц/га Сочилмас навида 20.1 ц/га дон ҳосили олинди.

Кўп йиллар давомида соя экилиб келинаётган тупроқларда фаол туганак бактериялар мавжудлиги қайд этилганда ҳам экишда уруғларни ишлаш ҳосилдорликни сезиларли даражада ошишини таъминлайди.

## REFERENCES

1. Ёрматова Д.Ё. Соя.-Тошкент., 1989 йил.
2. Атабаева Х.Н. Худайкулов Ж.Б., "Ўсимликшунослик", "Фан ва технологиялар" нашриёти, Тошкент-2018 йил. б. 199-206
3. Кулдашов Б.Х., Халилов Н., Хамзаев А.Х. Особенности выращивания сортов сои на орошаемых землях. Life Sciences and Agriculture, 2020.
4. Атабаева Х.Н., Юлдашева З.К. "Мойли экинлар биологиясининг илмий асослари ва етиштиришда инновацион технологиялар" ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси. Тошкент-2019
5. Абдукаримов Д.Т. Хусусий селекция Дарслик.2017 йил.